

## ОТМДАГИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЎЛҒУСИ ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ РАҒБАТ САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Н.Дусимбетова

ЎзДЖТУ ўқитувчиси

**Аннотация:** Уибу мақолада олий таълим муассасаларида журналист кадрлар тайёрлаши тизимининг долзарб муаммоларига тўхталиб ўтилади. Шунингдек, медиа соҳасида кадрлар салоҳиятини оширишининг энг муҳим устунлари келитириб ўтилган. Бундан ташқари, мақолада соҳанинг етакчи назариётчиларининг фикрларига ҳам муорожсаат қилинган.

**Калим сўзлар:** Журналистика, медиа, методика, педагогика, психология, компетенция, инструментлар, қадриятлар.

Бугун мамлакатда корпоратив қадриятлар ва тамойилларни салоҳиятлар моделига киритган ҳамда ходимнинг хулқ-автори қабул қилинган қоидаларга мос келиши борасида қайғураётган қўплаб йирик компаниялар пайдо бўлмоқда. Бир қатор ташкилотлар эса аксинча, компания фаолиятининг ўзига хосликларига урғу бермаган ҳолда фақат ходим учун зарур бўлган асосий салоҳиятларни ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. Бироқ у ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам ходимларни танлашда салоҳиятли ёндошув асосий ёндошувга айланмоқда.<sup>11</sup>

Бўлғуси мутахассисларнинг асосий салоҳиятларини шакллантириш муаммоси бўйича психология-педагогика фанларининг ютуқларини умумлаштирган ҳолда, салоҳият – бу инсоннинг билимлари, касбий тажрибаси, мақсадлари (рағбатлари), берилган вазият ва лавозим билан белгиланадиган ҳаракат қилиш имкониятлари ҳамда хатти-харакатлари кўнимкалари

<sup>11</sup> Ахмадулин Е. В. Краткий курс теории журналистики. – Р-н/Д.: ИКЦ «МарТ», 2006. – 272 с.

бирлашмаси эканлигини қайд этиш мумкин.<sup>12</sup> Замонавий журналист бир қатор асосий салоҳиятларга эга бўлиши лозимлиги – табиий ҳол, чунки журналист фаолиятининг асосий мақсади ижтимоий муаммоларни жамоатчилик мухитида ёритган ҳолда ҳал қилишдир. Журналист ахборот манбаи (ҳодиса, инсон, ҳолат) ва ушбу ахборотни олишга қодир бўлган ва буни истаётган аудитория (жамоатчилик) ўртасидаги ўзига хос воситачидир. Бундай воситачилик роли албатта, журналист шахсида, ва айнан инсонни касбий фаолиятга ундовчи рағбатида ўз изини қолдиради.

Журналистнинг бош вазифаси - жамият унсурларини ўзгартириш, ривожлантириш ва янгича ижтимоий фикрни яратишдир. Ушбу бош вазифани адо этиш журналистнинг асосий салоҳиятларидағи ижодкорлик бўғинининг қийматини оширади.<sup>13</sup>

Бугунги жамият журналистдан кенг соҳалар бўйича ҳар томонлама мутахассис бўлишни ҳам талаб қилмоқда. Шу аснода унинг касбий маҳорати фақат қуидаги бўғинларни:

- 1) журналистлик маҳоратининг асосларини эгаллаш;
- 2) касбига оид вазифаларни ижодий ҳал қилишга ҳозирлик;
- 3) касбий фаолиятида ташкилотчилик салоҳиятининг мавжудлиги;
- 4) ижодий фаолиятда қўлга киритилган тажрибалар уйғун бирлаштирилгандагина намоён бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, журналистликка ўқитиш жараёнида салоҳиятли ёндошувни амалга ошириш учун келажак журналистини ўқитиш фаолиятининг моҳият-мазмуни бўлган касбий вазифаларни мустақил ҳал қила олиш тажрибасини эгаллашига асосий урғу берилади.<sup>14</sup> Аммо ушбу салоҳиятлар ўта ноаниқ бўлгани боис, бир таълим доирасида талаба-журналистнинг касбий фаолияти учун зарур бўлган барча салоҳиятларни шакллантиришнинг имкони йўқ,

<sup>12</sup> Вещиков С., Пальчик М., Езерская К. Ключевые компетенции руководителя // Люди дела. –2005. – № 10. – С. 13–17.

<sup>13</sup> Дорощук Е. С. Журналист и журналистская деятельность в системе публичных коммуникаций: Монография. – Казань: Казан, 2006. – 260 с

<sup>14</sup> Илларионова И. А. Формирование профессиональной компетентности журналистов в высших учебных заведениях: дис. канд. пед. наук. – М., 2009. – 290 с.

шунинг учун, журналистнинг ҳам асосий, ҳам касбига оид салоҳиятларини шакллантириш ва ривожлантириш зарур.

Асосий салоҳиятларни қўйидаги силсила: “когнитив (ўрганиш вазифалари) + операционал-технологик (фаолиятнинг воситаланган ва бевосита қуроллантирувчи асослари) + рағбатлантирувчи (касбий фаолиятнинг ижтимоий-шахсий рағбатлари) + маънавий-ахлоқий (касбий фаолиятда ўз ўзини бошқариш) + ижтимоий-сиёсий (жамоатчилик соҳаси муаммолари ҳал қилиш)” салоҳиятлари кўринишида тасаввур қилиш мумкин.

Ўз ўзини ривожлантириш интилиш; натижага мўлжал олиш (журналистлик материаллари билан ижтимоий жунбуш уйғотишга интилиш); сифатга йўл тутиш (иши сифатнинг юксак мезонларига мос ва заммага олинган барча мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда бажаришга интилиш) салоҳиятлари ўз ичига оловучи рағбат салоҳиятини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Рағбат салоҳияти шахснинг ички рағбати, манфаатлари, инсоннинг шахсий танлови (билим олиш салоҳияти, зукколиги, мослашиш ва сафарбарлик кўникмалари, хаётда муваффақиятга эришиш маҳорати, инсоннинг қизиқишилари ва ички рағбати, амалий қобилиятлари, шахсий танловни амалга ошира олиш кўникмаси) билан боғлиқдир.

Асосий салоҳиятлар шаклланганлигининг уч даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Талабанинг паст даражаси – бу касбий-ижодкорлик вазифаларни бажаришда муентазам қийналиши мавжудлиги, буларни мулоҳазадан ўтказиш ва ҳал қилишдаги заиф маҳсулдорликда кўзга ташланади. Бунда талаба келажакда журналистлик касбини танлагани тўғри бўлганлигига ишонмайди, ўқишида, ижодда ва тадқиқотчилик фаолиятида эринчоқдир. Талабанинг ўрта даражаси - ўқишига қизиқишида намоён бўлади, бунда талаба сал қўллаб қувватлаб турилса, касбга оид билимларни ўзлаштиради, муваффақиятсизликлардан қочишга интилади, ички ва ташқи рағбатлар мавжуд бўлса тадқиқотчилик фаолиятида ўзини кўрсатишга қодирдир. Талабанинг юксак даражаси - ўзига хос ғояларни ва уларни жорий этиш усусларини жамлашда, ижод қилишга эҳтиёжи мавжудлигига намоён

бўлади. Талабада журналистлик касбининг барча йўналишларида кўзга ташланадиган ижодкорлик куртаклари аниқ қўриниб туради. Бундай талаба муаффақиятга интилади, ўзини ижодда кўрсатади, ўқиш ва тадқиқот ишида, таклиф этилаётган вазифаларни бажаришда ўзи ҳамда ўз тажрибасини кўрсатади.<sup>15</sup>

Биз психология-педагогик тажриба доираларида рағбат салоҳияти шакклланганлигини баҳолаш учун М.Рокичнинг “Қадриятли мақсад” услугидан фойдаландик.

М.Рокич томонидан ишлаб чиқилган услуг қадриятлар рўйхатини бевосита даражаларга ажратишга асосланган бўлиб, у қадриятларнинг икки тоифасини кўрсатиб беради, булар:

1. Терминал (якуний) қадриятлар – шахсий мавжудликнинг якуний мақсади унга интилишга арзишига ишонч.
2. Инструментал (восита) қадриятлар – ҳаракатларнинг қандайдир намунаси ёки шахснинг ўзига хослиги ҳар қандай вазиятда афзал эканлигига ишонч.

Барча қадриятлар бўйича маълумотларни қўлга киритган ҳолда, тажриба ва назорат гуруҳлари талабалари ўртасида терминал қадриятлар ўхшашиб эканлигини қўрамиз. Саломатлик ва оиласиб баҳт терминал қадриятлар ичида энг оммавий эканлиги табиийдир. Фаол ҳаёт кечириш, қизиқарли иш ва ҳаётда ўз ўрнини топишиш исталган қадриятларнинг қандайдир ўртасида жойлашган бўлиб чиқди.

Биз ўтказган тажрибадан мақсад - агар талаба-журналистларга билим бериш асосига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қўйилса, бу журналистнинг асосий салоҳиятлари (шу жумладан, рағбат салоҳияти) шакланиш жараёнини жадаллаштиришга олиб келиши борасида сурилган фаразни текшириб кўриш эди. Тажриба гурухи талаба-журналистларни ўқитишида АҚТдан фаол фойдаланилди: ўқув газетаси, интернет-сайт яратилди, “Журналистлик социологияси” ўқув фани доираларида

<sup>15</sup> Морозова Г. Б. Психологическое сопровождение организации и персонала. – СПб.: Речь, 2006. – 400 с.

янги ахборот технологияларидан фойдаланишсиз битмайдиган лойихалаш фаолиятидан фойдаланилди. Тадқиқотимиз доираларида В.Г.Белинский номидаги Пенза давлат педагогика университети “Журналистика” бўлинмасида талабаларга таълим беришда Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг мавжуд бўлган тажрибасидан фойдаланилди, шунингдек, талабаларни тайёрлашнинг турли босқичларида АКТдан фойдаланиш имкониятлари жорий этилди.

АКТдан дастлаб “Газета чиқариш технологияси”, “ОАВ техникаси ва технологияси”, “Ёрдамчи фанлар” ўқув фанларига ўқитишдаги воситалар сифатида фойдаланилди. Шу аснода ушбу технологиялардан газеталарни тахлаш ва веб-сайтларни яратиш, теле-кўрсатув ҳамда радио эшилтиришларни монтаж қилишдаги журналистика ишида фойдаланиладиган асосий ёрдамчи воситалар эканлигига ургу берилади. АКТдан фойдаланишнинг навбатдаги босқичи – бу уларни талаба ва ўқитувчи ўртасидаги мулоқот воситаси, интерфаол муҳитни яратиш (“Журналистика социологияси”, “Журналистлик иши психологияси”, Журналистлик устахоналари” курслари) воситалари сифатида кўллашдир. Мазкур фанларда талабалар ўз лойихаларини яратиш, улардан интернет тармоғида синаб кўриш, шунингдек, слайд-шоулардан фойдаланган ҳолда яқуний баҳоловчи машғулотларни ўtkазиш учун компьютер техникасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ахмадулин Е. В. Краткий курс теории журналистики. – Р-н/Д.: ИКЦ «МарТ», 2006. – 272 с.
2. Вещиков С., Пальчик М., Езерская К. Ключевые компетенции руководителя // Люди дела. –2005. – № 10. – С. 13–17.
3. Дорошук Е.С. Журналист и журналистская деятельность в системе публичных коммуникаций: Монография. – Казань: Казань, 2006. – 260 с.
4. Илларионова И. А. Формирование профессиональной компетентности журналистов в высших учебных заведениях: дис. канд. пед. наук. – М., 2009. – 290 с.
5. Морозова Г.Б. Психологическое сопровождение организации и персонала. – СПб.: Речь, 2006. – 400 с.
6. Корконосенко С.Г. Основы журналистики: учебник для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 287 с.